БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№236 (467)
29 НОЯБРЬ СЕШАНБА 1955 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

## БУГУНГИ СОНДА:

**Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Советининг Совет архитекторларининг иккинчи Бутуниттифоқ с'ездига табриги** (1-нчи бет).

Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг Ҳиндистонда бўлиши. **Н. С. Хрушчев** нутқи (1—2-нчи бетлар).

Майсур штати бош министри ҳузурида қабул маросими (2-нчи бет).

ТАСС Ахбороти (2-нчи бет).

Архитекторларнинг иккинчи Бутуниттифоқ с'езди (2-нчи бет).

Совет Ҳукуматининг Эрон Ҳукуматига нотаси (3-нчи бет).

УЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИДА. Мирзачўл районида чорва моллари қишловини уюштириш тўғрисида (3-нчи бет).

Совет Иттифоқида термоядро қуролининг кейинги вақтларда синаб кўрилганлиги ҳақидаги ТАСС ахбороти муносабати блан четэлларда баён қилинган фикрлар (4-нчи бет).

Женева кенгашининг якунлари тўғрисида Буюк Британия Коммунистик партиясининг баёноти (4-нчи бет).

Ҳиндистон Бош Министри Неру нутқи (4-нчи бет).

# *Совет архитекторларининг иккинчи Бутуниттифоқ с'ездига*

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети совет архитекторларининг иккинчи Бутуниттифоқ с'ездини ва бу с'езд орқали мамлакатимиздаги кўп миллатлар архитектурасининг барча ходимларини қизғин табриклайдилар.

Совет халқи Коммунистик партия раҳбарлиги остида халқ хўжалигининг барча тормоқларини ва биринчи галда, социалистик экономика асосларининг асоси бўлган оғир индустрияни янада зўр бериб юксалтириш программасини амалга оширмоқда, қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришини кескин суратда юксалтириш учун, халқнинг фаровонлиги ва маданиятини тўхтовсиз ошириш учун курашмоқда.

Саноат корхоналари, қишлоқ хўжалик иншоотлари, уй-жой, мактаб, касалхона, клублар ва жуда кўп маданий-маиший муассасалар қурилишини кучли суратда ривожлантириш—ана шу программанинг энг муҳим таркибий қисмларидан биридир. Бу қурилиш мамлакат учун, халқ учун ҳаётий муҳим аҳамиятга эгадир. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати қурилиш сур'атини кескин суратда ошириш, қурилиш ишларининг сифатини яхшилаш ва қимматини камайтириш учун зарур бўлган ҳамма чораларни кўрмоқдалар. Бу вазифа қурилиш ишларини жуда кенг миқ'ёсда индустрлаштириш асосида ҳал этилмоқда ва муваффақиятли суратда ҳал этилади.

Қурилиш ишларининг муваффақияти, қурилишнинг сифатини яхшилаш ва қимматини камайтириш проект ташкилотларининг, архитекторлар ва конструкторларнинг фаолиятига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Коммунистик партия, Совет ҳукумати, бизнинг халқимиз архитекторларнинг ва бинокорларнинг ишларини ғоят қадрламоқдалар ва уларга зўр э'тибор ҳамда ғамхўрлик кўрсатмоқдалар.

Биринчи Бутуниттифоқ с'ездидан буён ўтган давр ичида СССРдаги барча қардош республикаларнинг архитекторлари кўп иш қилдилар. Мамлакатимизда уларнинг проектларига мувофиқ жуда кўп иншоот ва бинолар қурилди.

Урушдан кейинги йилларда неча юзлаб шаҳар ва ишчи посёлкалари барпо қилинди. Мамлакатда бешинчи бешйиллик мобайнидагина 150 миллион квадрат метр янги уй-жой қурилди. Қишлоқ хўжалик қурилиши, хусусан қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилаётган районлардаги қишлоқ хўжалик қурилиши кенг миқ'ёсларда олиб борилмоқда.

Йиғма темир-бетон конструкциялари, янги бинокорлик материаллари тобора кенг қўлланилмоқда, бинокорлик ишлабчиқаришининг илғор техникаси жорий қилинмоқда.

Партия ва ҳукумат кейинги вақтларда қурилиш ишларини тубдан яхшилашга қаратилган бирқанча тадбирларни кўрдилар. Ишчилар, инженерлар ва архитекторларнинг малакали кадрлари етиштирилди. Бу кадрлар ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган тежамли бинолар ва иншоотлар қуришдан иборат ўз вазифаларини тўғри тушунадилар.

Кўп иш қилинди, аммо проектлаш ва қурилиш ишларидаги катта-катта нуқсонлар, ортиқчаликлар ва хатолар халақит бермаганида, янада кўпроқ иш қилиш мумкин эди. Ма'лумки, кўпгина архитекторлар ва проектлаш ташкилотларининг ишларида архитектуранинг ҳашамдор бўлиши кенг ёйилди, кўп ортиқчаликларга йўл қўйилди, бу эса халқ хўжалигига катта зарар етказади, меҳнаткашларнинг маданий-маиший ва уй-жой шароитини яхшилашни сусайтиради.

Архитектура-қурилиш ишларида партия ва ҳукумат томонидан очиб ташланган жиддий камчиликларни жуда қисқа вақт ичида йўқотиш — совет архитекторлари ва бинокорларининг шарафли ишидир.

Барча архитекторларимиз проектлаш ва қурилиш ишларида янги, прогрессив усулларни амалга оширишлари, кустарчиликка қат'ий хотима беришлари, ортиқчаликларга йўл қўймасликлари керак. Қурилиш ишлари Ватанимиздаги ва чет эллардаги бинокорликнинг энг яхши муваффақиятларини ҳисобга олиб ишлаб чиқилган энг тежамли типовой проектларга мувофиқ, ишлабчиқаришнинг индустриал методлари асосида амалга оширилиши зарур. Уй-жойларнинг тузилаётган типовой проектларида совет кишиси учун энг кўп қулайлик вужудга келтириш кўзда тутилиши керак.

Архитекторлар ва проектчилар юқори сифатли типовой проектларни вужудга келтиришни ўзларининг биринчи даражали вазифаларидан бири деб билишлари, ўз ораларида ана шу катта ишнинг аҳамиятини камситишга қат'ий хотима беришлари зарур. Типовой проектлаш архитекторларнинг ижодий ташаббус кўрсатишлари учун кенг имконият очиб беради. Типовой проектлаш архитектурада кераксиз безатиш, уйдирма декоративлик, архитектура соҳасидаги меросга танқидий қарамаслик каби формалистик бузишлар ва ортиқчаликларни йўқотишнинг зарур шартидир.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати проектлаш ва қурилиш ишларидаги ортиқчалик ҳамда исрофгарчиликка қарши қат'ий кураш олиб бориш блан бирга, мамлакатимизда қурилаётган бинолар ва иншоотлар чиройли ҳамда жозибали бўлиши ва кўзда тутилган мақсадга мувофиқ бўлиши керак, деб та'кидлайдилар. Бунда шуни эсда тутиш керакки, ўтмишдаги архитектурадан танқид қилинмай қабул қилинган кераксиз декоратив элементлар, башняли уст қаватлар, колоннада ва портиклардек ортиқчаликлар блан биноларни чиройли ва жозибали қилиб бўлмайди. Архитекторларнинг вазифаси — пропорциялари яхши бўлиши блан, планировкаси қулай бўлиши блан, тежамли қурилиши ва тежамли эксплуатация қилиниши блан ажралиб турадиган чиройли бинолар ҳамда иншоотларни барпо қилишдан иборат.

Совет архитекторлари СССР халқларининг классик ме'морчилигининг энг яхши миллий традицияларини ривожлантириш ва кўпайтириш блан бирга, ўз ишларида социалистик реализм талабларига асосланишлари лозим. Социалистик реализм формалистик усулларга, ўтмишдаги архитектура намуналаридан кўр-кўрона нусха кўтаришга зиддир, шунингдек архитектура соҳасидаги меросга э'тиборсиз муносабатда бўлишга ҳам зиддир. Содда қилиб қуриш, муайян формада қуриш, биноларнинг ташқи қиёфасини жозибали қилиш ва тежамли қуриш, маиший жиҳатдан қулайликлар туғдириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш—совет архитектурасининг асосий ва ҳал қилучи хусусиятларидир.

Совет архитектураси олдида турган мас'улиятли вазифаларни ҳал этишда Архитекторлар союзининг роли ва аҳамияти ошиб бормоқда. Архитекторлар союзи кўпмиллатли Совет давлатидаги архитекторларнинг ижодий кучларини жипслаштириши лозим бўлган жамоат ташкилотидир.

Архитекторларимиз қурилишнинг энг муҳим вазифаларидан четга чиқиб кетмасинлар, улар халқнинг манфаатлари ва орзуларини кузатсинлар, меҳнаткашларнинг доимо ўсиб бораётган маданий-маиший эҳтиёжларини бутун чоралар блан қондириш учун актив кураш олиб борсинлар. Ана шу тўғрида ғамхўрлик қилиш союзнинг диққат марказида туриши лозим.

Совет Архитекторлари союзи ўзининг кундалик фаолиятида архитектура-қурилиш ишлари кадрларини идеология жиҳатдан тарбиялаш, уларни ижодий жиҳатдан ўстириш ва уларнинг профессионал маҳоратини ошириш масалаларига алоҳида э'тибор бериши лозим. Союз архитекторлар ўртасида принципиал камчиликларга сра тоқат қилмайдиган танқид ва ўз-ўзини танқидни кенг миқ'ёсда кучайтириши, талантли ёш кадрларни ўстириши ва дадиллик блан кўтариши, илғор иш тажрибаларини умумлаштириши ва ёйиши, эскилик ва қолоқликка қарши, формализмга, эстетликка ва бошқа бузилишларга қарши кураш олиб бориши керак.

Совет халқи архитекторлардан СССРда қурилиш ишларини янада кучайтиришга қаратилган катта ижодий ишлар кутмоқда.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Совети қаттиқ ишонч билдириб айтадиларки, совет архитекторлари ўз ишларидаги жиддий хато ва камчиликларни жуда қисқа вақт ичида қат'ий суратда бартараф қиладилар, архитектура ва қурилиш ишлари соҳасида янгидан-янги муваффақиятларга эришадилар, мамлакатимизда коммунизм қуриш учун курашдан иборат буюк ишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

**СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ**

**ССР ИТТИФОҚИ МИНИСТРЛАР СОВЕТИ**

# Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчевнинг Ҳиндистонда бўлиши

БАНГАЛОР, 26 ноябрь. **(ТАСС махсус мухбири).** Бугун куннинг иккинчи ярмида Н. С. Хрушчев ва Н. А. Булганин Бангалордаги ҳинд илмий институтини бориб кўрдилар. Меҳмонлар бу институтнинг турли бўлимларини кўриб чиққанларидан кейин институт директори профессор К. Сринивасан блан Н. С. Хрушчев жуда кўп меҳмонлар олдида қисқа нутқ сўзладилар. Сўнгра Н. А. Булганин ва Н. С. Хрушчев Бангалордаги кўп саноат корхоналарининг бири бўлган станок-инструменталь заводини бориб кўрдилар. Корхона директори Афтабрай уларга завод тўғрисида изоҳлар берди.

Кечга яқин совет меҳмонлари шарафига «гражданлик қабули» (умумшаҳар митинги) бўлди. Митингда штат Ражпрамукхи (ҳокими) ва маҳаллий ҳукуматнинг бошқа вакиллари ҳамда Бангалор аҳолисидан 200 мингга яқин киши ҳозир бўлди. Бу митингда Н. С. Хрушчев шаҳар мэрининг табрикномасига жавобан халқаро муносабатлар масалаларига доир катта, ёркин нутқ сўзлади. Ҳинд жамоатчилиги бу нутқни жуда қизиқиш блан тинглади.

Кечқурун шаҳар ранг-баранг чироқлар блан чароғон бўлди. Бангалор халқи бугун ҳинд-совет дўстлиги шарафига ҳаяжонли, чинакам умумхалқ намойишини ўтказди. Бангалор аҳолисининг айтишига қараганда, шаҳарда ҳечқачон бунчалик кўп кишининг иштироки блан шундай тантана бўлмаган эди.

Совет меҳмонлари шарафига Бангалорда Майсур штатининг бош министри Жанубий Ҳиндистон халқ рақкосларининг иштироки блан катта концерт ташкил қилди. Концерт тамом бўлгандан кейин меҳмонларга ёдгорлик совғалари тақдим этилди ва штат бош министри К. Ханумантхайя блан Н. А. Булганин нутқ сўзладилар.

## *Н. С. ХРУШЧЕВ нутқи*

Дўстлар, биродарлар!

Шахсан ўз номимдан, дўстим Николай Александрович Булганин номидан ва улуғ мамлакатингизда қилаётган бу ажойиб саёҳатимизда бизлар блан бирга юрган ҳамма дўстларимиз номидан сизларнинг Майсур штатингизни, сизларнинг ажойиб Бангалор шаҳрингизни келиб кўриш имкониятини бериб бизни таклиф қилганликларингиз учун ташшаккур айтишимга ижозат берингиз. **(Қарсаклар).**

Бизнинг мамлакатимиз тўғрисида, Совет Иттифоқининг муваффақиятлари тўғрисида кўп яхши гапларни айтган Майсур штатининг Ражпрамукхи Жайя Чамаражи Вадияр Баҳодур жанобларига, бош министр К. Ханумантхайя жанобларига, шаҳар мэри В. П. Динадайялу Найду жанобларига ҳам ташшаккур изҳор қиламан. **(Қарсаклар).**

Сизларнинг улуғ мамлакатингизга келганимизга бирнеча кун бўлди. Бизларнинг саёҳатимиз ва Ҳиндистон блан танишувимиз шу қадар тез ва завқли бўлиб ўтмоқдаки, биз кунлар ҳисобини ҳам йўқотиб қўйдик. Масалан, бугун биз Николай Александрович блан бугун қайси кун — шанбами ёки якшанбами деб баҳслашиб қолдик. **(Митингдагилар орасида кулги ва ҳаракат).**

Ҳиндистонда бўлган кунларимиз мобайнида биз кўп нарсани кўрдик, кўп кишилар блан танишиб олдик. Биздаги таассурот жуда кўпайиб кетди. Бугун биз сизларнинг ажойиб шаҳрингизни айланиб чиқдик. Кўчаларга чиққан кишиларнинг, болаларнинг, ҳинд халқи томонидан Совет Иттифоқи халқларига дўстлик ва муҳаббат ҳислари изҳор қилиниб айтилган табрик хитобларининг сон-саноғи йўқ. **(Қарсаклар).**

Ҳинд халқи томонидан изҳор қилинаётган мана шу дўстлик ва муҳҳаббат ҳислари шахсан менга, дўстим Николай Александровичга ва биз блан бирга келган бошқа дўстларимизга тааллуқли деб ўйлайдиган бўлсак, биз жуда кичкина одамлар бўлур эдик. Бу дўстлик ва муҳаббат ҳислари ҳинд халқининг Совет Иттифоқи халқларига бўлган муҳаббатини ва ҳурматини ифодаламоқда.

Улуғ Ҳиндистон халқининг шунчалик катта муҳаббатига ва шунчалик қизғин миннатдорчилигига Совет Иттифоқи халқларининг сазовор бўлганликларига сабаб нима?

Бундай савол бераётганлигимнинг боиси шуки, янги негизларда ташкил топган Совет давлатимиз барпо бўлганида уни капиталистик мамлакатлар жуда нодўстлик блан ва ҳатто душманлик блан кутиб олган эдилар. Лекин ма'лумки, шунга қарамай, бизнинг давлатимиз тинмай ўсди ва ривожланаверди.

Совет давлати барпо бўлганидан бери биз катта йўлни босиб ўтдик. Улуғ Ленин ва у яратган Коммунистик партия тинчлик учун, мамлакатимизда янги жамият қуриш учун кураш байроғини баланд кўтардилар, ҳамма халқлар ҳам шу байроқни кўтардилар. Совет ҳокимияти пайдо бўлган дастлабки вақтларда бизнинг мамлакатимиз камбағал ва хонавайрон бўлган мамлакат эди. Саноат бузилиб ва вайрон бўлиб ётар эди. Аҳолининг кўпчилик қисми саводсиз эди. Ишчи ва деҳқонларнинг эндигина туғилган давлатининг улуғ истиқболи борлигини кўрмоқ ва мамлакатимиздаги барча халқларни ўзига эргаштирмоқ учун ўшандай шароитда Лениннинг узоқни кўриб иш қилиши, дадиллиги ва зийраклиги лозим бўлиб қолган эди.

Ўша вақтда душманлар, бир йил ўтар-ўтмас Совет давлати барбод бўлади, Лениннинг, большевикларнинг қилмоқчи бўлган ишидан ҳечбир натижа чиқмайди, деб айтган эдилар.

Хўш, энди ўзингиз бир ўйлаб кўринг? Ўша жаноблар пайғамбарликка ярар эканлармими, ёки пайғамбарларга исноT келтирган эканлармими. **(Митингдагилар орасида жонланиш).**

Сизларга ма'лумки, Совет мамлакати барбод бўлиш уёқда турсин, балки аксинча, қудратли саноати ва юксак даражада ривожланган экономикасига эга бўлган бақувват давлат бўлиб етишди.

Совет давлатимизнинг кучи нимада? У, барча капиталистик мамлакатлар қаршилик кўрсатиб турган шароитда туғилган эдику, ҳечкимдан ҳечқандай ёрдам ва капиталлар олмадику, аксинча, биз, совет кишиларига Совет давлатини қуришимизга зўр бериб халақит берган эдиларку. Бизга қарши урушлар, иқтисодий блокадалар ташкил қилдилар, бошқа ҳарқандай тўсқинликлар туғдирдилар, мана шуларнинг ҳаммасига қарамай, бизнинг мамлакатимиз йилдан-йилга бақувват бўлаверди, заводлар ва фабрикалар қураверди, институтлар, мактаблар қураверди, маданиятни юксалтираверди ва тинмай олға борди.

Биз кимнинг интеллигенцияси кўплиги, кимнинг инженерлари кўплиги тўғрисида: булар Совет Иттифоқида кўпми, ёки бошқа бирор капиталистик давлатда кўпми эканлиги тўғрисида дадил туриб баҳслашаоламиз.

Бас, шундай экан, бизнинг кучимиз нимада? Бизнинг кучимиз — халқнинг ўзидадир. Энг катта капитал халқнинг ўзидир. Инсоният вужудга келтирган нарсанинг ҳаммасини халқнинг ўзи яратган.

Тажрибамиздан бизга шу нарса ма'лумки, ўз мамлакатини озод қилишга эришган халқ бугун саводсиз бўлса, эртага саводини чиқариб олади. Бугун саводсиз бўлган киши эртага саводини чиқариб олиш блангина кифояланмай, инженер, олим бўлиб қолиши ҳам мумкин.

Ма'лумки совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида бизнинг ўз интеллигенциямиз йўқ эди, аммо энди ўзимизнинг кўпсонли халқ интеллигенциямиз бор. Бу интеллигенция ишчилар ва деҳқонлар орасидан етишиб чиққан интеллигенциядир. **(Қарсаклар).** Биз буни, дўстлар, энг катта муваффақиятларимизнинг бири деб ҳисоблаймиз. **(Қарсаклар).**

Сизлар бизни шу қадар қизғин олқишлаб кутиб олаётганлигингизнинг боиси нима, шу қадар дўстона кутиб олаётганлигингизнинг боиси нима? Ахир, ба'зибировлар бизни койияптилар-ку. Пропаганда қилиб ўтирмайман ва бизни кимлар койияётганлигини сизларга айтиб ҳам ўтирмайман. Бизнинг Ҳиндистонда саёҳат қилиб юрганлигимиз тўғрисида буржуа матбуотининг ба'зи намояндалари газеталарда нималар ёзаётганлигини ўзларингиз ўқиб турибсиз. Аммо сизлар уларга ишонаётганингиз йўқ. Ишонмаслигингизнинг сабаби шуки, уларнинг бизларнинг ҳақимизда ёзаётган ифлос гапларининг ҳаммаси ғирт туҳмат эканлигини биласиз. **(Қарсаклар).**

Шунинг учун ҳам биз ўша туҳматчиларга, хоҳлаганингизни ёзаверинг, хоҳлаганингизни айтаверинг, барибир бу блан яхшини ёмон қилиб кўрсатаолмайсиз, деймиз. **(Митингдагилар орасида жонланиш).** Мен сизларга халқимизнинг бир мақолини айтиб ўтай: ит ҳурар карвон ўтар, ит ҳарқанча акиллайверса ҳам карвон унга парво қилмай ўтиб кетаверади ва олға бораберади. **(Кулги).**

Биз ҳам ўз йўлимиз блан бораверамиз, биз бораётган йўл инсоният шу дамгача босиб ўтмаган йўлдир — социализм қуриш йўлидир. Бизнинг мамлакатимиз бутун инсониятнинг ёркин келажагига йўл очиб бермоқда.

Бизнинг халқимиз коммунистик жамият қурмоқда ва у ўз муддаосига етади — коммунизм жамиятини қуради.

Сизлар бизнинг идеяларимизга турлича қарашингиз мумкин. Бирқанча масалаларни сизлар блан биз турлича тушунишимиз мумкин. Сизлар тараққиётнинг ўзингизга кўпроқ ёққан йўлини ўзларингиз танлаб олмоқдасиз. Биз бу ишда сизларга халақит бермаймиз, балки мамлакатни ривожлантириш йўлида қилаётган яхши ишларингизга ёрдамлашамиз, олижаноб ва улуғ халқингизнинг манфаати йўлида ёрдамлашамиз. **(Қарсаклар).**

Биз айтамизки: эҳтимол бизнинг практикамиздан ба'зибир нарсалар сизларга яраб қолиши мумкин. Агар сизларга яраса — фойдаланаверингиз, агар ярамаса — олмангиз, биз ҳечкимга ҳечнарсани зўрламаймиз, ҳечқандай сиёсий мажбуриятлар олишни талаб қилмаймиз. Бу тўғрида сизларга бунчалик очиқ гапираётганлигимизнинг сабаби нима? Бунинг сабаби шуки, сизларга биз биродардек самимият блан қарамоқдамиз. **(Қарсаклар).**

Сизлар бизни алоҳида бир тарзда кутиб олмоқдасиз, буни биз ҳам сезиб турибмиз. Биз Ҳиндистоннинг кўп шаҳарларида ва қишлоқларида бўлдик, кўп нарсани кўрдик. Бугун Ҳиндистон ўз йўлидаги тўсиқни ёриб ўтган ва ҳам кенгайиб ҳам чуқурлашиб ёйилиб бораётган қудратли оқимга ўхшайди. Бу оқим эски дун'ёни ларзага келтирмоқда. Аммо биз Ҳинд халқининг мустамлака қуллигидан қутулганлигини, Ҳиндистон мустақил ривожланиш йўлига тушиб олганлигини кўриб қувонмоқдамиз. **(Қарсаклар).**

Ҳиндистонга бизнинг бу тахлитда қараётганлигимизнинг сабаби нимаю, бошқа ба'зи давлатларнинг Ҳиндистоннинг мустақил ривожланишини истамаётганликларининг сабаби нима? Бунинг сабаби шуки, биз сизларнинг саноат тараққиётингиз заифлигидан фойдаланишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўяётганимиз йўқ, аммо бошқа ба'зи мамлакатлар мана шу заифликдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишни истамоқдалар.

**(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА)**

## ТЕЛЕГРАММА

## *Финляндия Республикасининг Президенти Ю. К. Паасикиви Жаноб Олийларига*

ХЕЛЬСИНКИ

Президент жаноблари, 85 ёшга кирган кунингизда ССР Иттифоқи Олий Совети Президиуми номидан ва шахсан ўз номимдан энг самимий табрикларимизни ва доим сиҳат-саломат ва бахтли бўлишингизни истаб изҳор қилган тилакларимизни қабул қилишингизни Сиздан сўрайман.

Совет Иттифоқида Сиз Жаноб Олийларининг Совет-Финляндия муносабатларини ривожлантириш ишига қўшган жуда катта ҳиссангизга юксак баҳо бермоқдалар. Сиз ана шу муносабатларни ривожлантиришга кўп вақт ва кўп куч сарф қилдингиз. Мен яқинда Москвада Сиз блан бўлган учрашувларни мамнуният блан эсга олмоқдаман. Ана шу учрашувлар вақтида мамлакатларимизнинг дўстлик ва ҳамкорликни янада кўпроқ мустаҳкамлашга бўлган интилиши жуда яққол кўринди.

СССР блан Финляндия ўртасидаги дўстликнинг асоси Сизнинг фаол иштирокингиз блан яратилди. Бу дўстлик ҳар иккала мамлакатимиз халқларининг бахт-саодати йўлида тўхтовсиз мустаҳкамланади ва ривожланади, деб ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

**К. ВОРОШИЛОВ,**
СССР Олий Совети Президиумининг Раиси

Москва
1955 йил, 26 ноябрь.

## Кўпболали оналар мукофотланди

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми кўпболали оналардан 5—9 бола туққан ва тарбиялаб ўстирган 501 онани меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг тақдимига мувофиқ, СССР Олий Совети Президиуми номидан ССР Иттифоқи орденлари ва медальлари блан мукофотлади.

114 она I, II ва III даражали «Оналик шуҳрати» орденлари блан ҳамда 387 она I ва II даражали «Оналик медали» медальлари блан мукофотланди. (ЎзТАГ).



Ҳиндистон. 1955 йил 20 ноябрьда Ҳиндистон Республикасининг Президенти **Ражендра Прасад** СССР Министрлар Советининг Раиси **Н. А. Булганин** ва СССР Олий Совети Президиумининг а'зоси **Н. С. Хрушчев** шарафига катта қабул маросими ўтказди. **Суратда:** президент саройининг боғида Ҳиндистон Президенти ҳузуридаги қабул пайти.
**В. Егоров** фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

